

## Ақийда дарслари (171-дарс). Пайғамбарларга муносабат



19:36 / 21.02.2022 4882

Пайғамбар алайҳиссаломлар ўзларига Аллоҳ таолодан берилган рисолатни бир ҳарфини ҳам ўзгартирмай, омонат ила умматларга етказишиб келганлар. Улар Аллоҳ таолодан келган ваҳийни худди ўзи каби одамларга етказадилар. Унинг бирор ҳарфини камайтирмайдилар ҳам, унга бирор ҳарф зиёда ҳам қилмайдилар.

Бу маънода Қуръони Каримнинг Оламлар Роббидан туширилган ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уни омонат ила етказишлари ҳамда агар, фаразан, Пайғамбар алайҳиссалом бу омонатга хиёнат қилсалар, Аллоҳ таоло у кишини дарҳол жазолаши ҳақида Ҳааққо сурасида қуйидагилар айтилади:

**«Албатта, у (Қуръон) карамли Расулнинг сўзидир» (40-оят).**

Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзидир.

Бу ерда Қуръони Каримнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилиши у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам у каломни тиловат қилувчи ва кишиларга етказувчи эканликлари эътиборидандир.

**«Ва у шоирнинг сўзи эмас. Нақадар оз ишонасизлар!» (41-оят).**

Яъни, шундай эканлигига ишонмайсизлар.

**«Ва у фолбиннинг сўзи ҳам эмас. Нақадар оз эслайсизлар!» (42-оят).**

Яъни, эсламайсизлар.

**«Оламлар Роббидан нозил қилингандир» (43-оят).**

Қуръон Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўз сўзи эмас. Қуръон оламларнинг Робби томонидан туширилган каломдир. Муҳаммад алайҳиссалом уни етказувчи, холос. Агар у киши алайҳиссалом Қуръоннинг ҳаммасини ёки битта сурасини ўзидан тўқиб, «Бу Аллоҳнинг гапи» дейиши у ёқда турсин, баъзи бир қавлларни тўқиб, Аллоҳга нисбат берса ҳам, соғ қолиши мумкин эмас.

**«Ва агар у Бизга баъзи ёлғон сўзларни тўқиганида...» (44-оят).**

Яъни, агар Муҳаммад Бизнинг номимиздан, мушриклар даъво қилаётганидек, баъзи сўзларни тўқиса, ҳозиргига ўхшаб, соғ-саломат, турли мўъжизаларга соҳиб бўлиб, гуноҳлардан маъсум бўлиб, одамлар ёмонлигидан сақланиб юрмас эди. Ундай бўлса,

**«Уни қудрат билан албатта тутамиз» (45-оят).**

Яъни, Биз ундан Ўз қувватимиз ва Ўз қудратимиз ила интиқом олган бўлур эдик.

**«Сўнгра унинг шоҳ томирини албатта кесамиз» (46-оят).**

«Шоҳ томир» деганда юракнинг бош томири тушунилади. Албатта, ўша томири узилган одам соғ қолмайди, дарҳол ўлади. Демак, агар Муҳаммад алайҳиссалом Қуръонга ўзларича бирор нарсани қўшиб, бу ҳам Аллоҳдан, дегудек бўлсалар, Аллоҳ у кишини дарҳол ҳалок қилиши турган гап экан. Бу Қуръони Карим Аллоҳнинг соғ каломи эканига ёрқин далилдир.

**«Бас, сизлардан ҳеч ким уни тўсиб қолувчи бўлмас» (47-оят).**

Яъни, фаразан, Биз уни азобламоқчи бўлсак, сизлардан ҳеч бирингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Бизнинг азобимиздан тўсиб қола олмайди.

Бошқа пайғамбарларга муносабат ҳам худди шундай бўлган.

***«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди***